



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 18 ноябрь, № 240 (9135)


Сешанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодани телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТАРИХИЙ ҚАРДОШЛИК ВА ДЎСТЛИК АНЪАНАЛАРИГА АСОСЛАНГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов 16-17 ноябрь кунлари давлат таширифи билан мамлакатимизда бўлди.



Қўсарой қароргоҳида 17 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг тор доирадаги музокаралари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Туркменистон алоқалари тарихий қардошлик ва маданий ақиллик аънаваларига суянган ҳолда шаклланган.

Икки халқ орасидаги қалб очқилиги ва ўзаро ҳурмат ҳар доим сезилиб туради. Бу, хусусан, давлатлараро сиёсатда, чегара ҳудудлари-

даги оддий одамларнинг кундалик мулоқотида, бир-бирини қўлаб-қувватлаш маданиятида яққол намоён бўлади.

Сўнгги йилларда ижобий динамика янада жонланди. Шунчаки рақамлар ёки расмий кўрсаткичлар эмас икки мамлакатнинг манфаатлари муштараклиги ифода этилмоқда. Савдо айланмиси жадал ўсиши, қўшма лойиҳалар қўпайиши, транспорт ва логистика йўналишларининг фаол ривожланиши ўзаро ишонч ва очиқликнинг амалиётдаги аксидир.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ва Туркменистон муносабатлари Марказий Осиёда барқарорлик, яқинлик ва бирдамликни таъминловчи муҳим таянч нуқталардан бирига айланиб бормоқда.

Ушбу давлат таширифи сўнгги йилларда намунали тус олган Ўзбекистон — Туркменистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлиши таъкидланди.

Барча соҳаларда эришилаётган

ижобий суръат ва фаол алоқалар мамнуният билан қайд этилди. Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишлари, шунингдек, маданий тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Ташриф арафасида Урганч ҳамда Тошкентда ўтказилган Туркменистон маданияти кунлари ва фильмлари намоишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўтган йили товар айирбошлаш ҳажми ошди. Юк ташиш ортиб бормоқда, жумладан, энергетика, транспорт, машинасозлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаларида самарали кооперацияни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Худудлараро алмашинувларни янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Хива шаҳрида учинчи Худудлар форумини ўтказишга келишиб олинди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг музокаралари кенгайтирилган таркибда икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом этди.

Учрашув аввалида мамлакатимиз етакчиси Туркменистон Президентининг давлат таширифи икки халқ ўртасидаги қўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари мустаҳкамлигининг яққол тасдиғи эканини таъкидлади.

Ўзбекистон — Туркменистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Савдо, транспорт, энергетика, сув ҳўжалиги ва бошқа муҳим соҳаларда амалга оширилган ишларга юқори баҳо берилди.

— Шубҳасиз, ушбу ютуқларда Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси, ҳурматли Гурбангули Бердимухамедовнинг улкан ҳиссаси бор, — деди Президентимиз.

Кейинги йилларда ўзаро савдо ҳажми икки бараварга қўпайиб, 1 миллиард доллардан ошди. Маҳсулотлар турини кенгайтириш ва эркин савдо режимидан самарали фойдаланиш орқали бу кўрсаткични 2 миллиард долларга етказиш учун барча имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

“Шовот — Тошхувуз” чегараолди савдо зонасининг ишга туширилиши ҳам товар айирбошлашни кўпайтиришга хизмат қилади. Ушбу тажрибани бошқа манзилларда, биринчи навбатда, “Олот — Фараб” худудида қўллаш бўйича келишувга эришилди.

Саноат кооперациясини кенгайтириш мақсадида қурилиш материаллари, фармацевтика, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа талаб юқори бўлган товарлар ишлаб чиқаришга қаратилган янги лойиҳаларга бизнес-ни фаол жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Энергетика соҳасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Янада кенгрок лойиҳаларга ўтиш, шу жумладан, истиқболли конларни биргаликда ўзлаштиришга келишиб олинди.

Транспорт соҳаси икки мамлакат иқтисодиётларини боғлайдиган муҳим бўғин ҳисобланади. Юк ташиш ҳажми ўсиб бормоқда, божхона-логистика тартиблари соддалаштирилмоқда. Томонлар Туркманбоши порти биргаликда ривожлантириш ва

пойтахтлар ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларни қайта тиклашга келишиб олдилар.

Эришилган келишувларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш учун йил охиригача Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йиғилишлари ўтказилади.

Етакчилар гуманитар соҳа кўп қиррали алоқаларнинг мустаҳкам пойдевори эканлигига урғу бердилар.

Ҳамкорлик суръатини сақлаб қолиш учун томонлар ўзаро концертлар ва театрларнинг ижодий сафарларини мунтазам равишда ўтказиш, Хивада Ёшлар форумини ташкил этиш ва биргаликда фильмлар ишлаб чиқариш амалиётини давом эттиришга келишиб олдилар.

Соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фани борасидаги алмашинувлар фаоллашади.

Музокаралар якунида давлат раҳбарлари эришилган барча келишувларни амалга ошириш бўйича кенг қамровли “Йўл харитаси”ни қабул қилиш юзасидан масъулларга топшириқ бердилар.

Олий даражадаги музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов “Шовот — Тошхувуз” қўшма чегараолди савдо зонасини ишга тушириш маросимида иштирок этдилар.

Мазкур худудда дирекция, божхона, карантин, фитосанитария ва ветеринария хизматларининг маъмурий бинолари, савдо павильони ва оморлар joyлашган.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

АГРАР СОҲА РИВОЖИГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 17 ноябрь куни пахтачиликда самарадорликни илгор тажриба ва технологиялар асосида ошириш, қишлоқ ҳўжалигини молиявий қўлаб-қувватлаш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Қишлоқ ҳўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Соҳанинг иқтисодиётдаги улуши 20 фоизни ташкил этмоқда, унда йилига 467 триллион сўмлик маҳсулот яратилмоқда, 3,5 миллион киши меҳнат қилмоқда. Шу билан бирга, янги ва қайта ишланган аграр маҳсулотлар умумий экспортнинг учдан бир қисmini таъминламоқда.

Тақдиротда пахтачиликда ҳосилдорликни ошириш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Бунинг учун паст ҳосил олаётган фермерлар билан манзилли ишлаш, илгор агротехнологиялар ва озиқлантириш амалиётларини тўғри жорий этиш, агроном тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш чоралари белгилаб олинди.

Жумладан, пахтачиликда “Устоз — шогирд” аънаваларини йўлга қўйиш орқали ҳосилдорликни 60 центнердан оширган илгор фермерларни 30 центнердан кам ҳосил олган фермерларга бириктириш таклиф қилинди.

Илгор фермерлар Қишлоқ ҳўжалиги маляка ошириш институтида қайта тайёрланиб, уларга сертификат берилади. Паст ҳосил олган фермерларда ҳосилдорлик камида 50 центнердан ошса, уларга бириктирилган илгор фермерларга 5 миллион сўмдан мукофот пули берилади.

Агрономларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Аграр университет ва соҳада агрономларни тайёрлайдиган бошқа олийгоҳлар битирувчилари учун икки йиллик “дуал таълим” механизми жорий этилади. Илгор кластер ва фермер ҳўжаликларида амалиёт ўтаган талабаларга стипендия, уларни ўқитган мутахассисларга эса рағбат пули тўланади.

Тақдиротда маҳаллий пахта навларини яратиш ишлари ҳам алоҳида кўриб чиқилди.

Юртимизда пахтачилик бўйича иккита ноёб илмий институт — Геномика ва биоинформатика маркази ҳамда Пахта-

чилик институти борлиги, лекин уларнинг имконияти тўлиқ ишга солинмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Навларни селекция қилиш асосида пахта уруғчилигини янада ривожлантириш мақсадида ушбу институтларда фитотрон ва репродукцион иссиқхона куриб бериш топширилди. Натижада янги маҳаллий нав яратишга керак бўлган вақт 2,5 баробар қисқаради, олимларнинг иши тезлашиб, импорт уруққа эҳтиёж қолмайди.

Ўзани плёнка остига экиш тажрибасини оммалаштириш режалари кўриб чиқилди.

Президентимиз соҳада агродронлардан фойдаланишни кенгайтириш, бу борада мутахассисларни тайёрлаш муҳимлигини кўрсатиб ўтди.

Қишлоқ ҳўжалигига суңий интеллект ва рақамли технологияларни жорий этиш масаласи ҳам кун тартибиде бўлди. Ҳозирда Қишлоқ ҳўжалиги вазирилиги ва хорижий компаниялар ҳамкорлигида бу борада кадрлар тайёрлаш ва илмий инноватизация яратиш бўйича қилинаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Молиявий қўлаб-қувватлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

2026 йилдан пахта-ғалла, мевалар ва дуккакли экинлар бўйича ҳосилни ихтиёр агентлигини ташкил этиш ташаббуси билдирилди. Бу фермерлар учун ортқча оворагарчилик ва бюрократияни кескин камайтиради.

Президентимиз таклифларни маъқуллаб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Ў.А.

Бугун — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун



МУЗАФФАРЛИК ВА УЛУҒВОРЛИК РАМЗИ

Байроқ турли ранглару чизиклар, белгилардан иборат оддий мато эмас. Тарихдан ҳам маълумки, ушбу муқаддас рамз миллат ва юрт шаънини, ишончи ва иродасини, музаффарлик ҳамда улугворлигини ифодалаган. Айнан байроқ остида буюк эл бирлашган, ишончи янада ортган, голиблик сари илдам одимлаган.

Бугунги осуда замонда эса давлатимиз байроғи турли беллашувларда биз каби спортчиларга сўнмас ишонч бағишлайдиган, руҳий куч-қувват берадиган, фақат ва фақат зафар сари олға ундай-

диган улугвор тимсолга айланган. Зеро, қай йўналиш ё турда бўлмасин, исталган спортчи борки, ўз миллати ва жонажон Ватани байроғини юксакда ҳилпиратишни истайди. Шундай мақсад билан

яшаётган спортчилар орасида эканимдан фахр туяман ва кўзлаган манзилимга етиш учун бетиним ҳаракатдаман.

Дейлик, яқинда миллий жамоамиз билан бирга Бельгиянинг Ронсе шаҳрида ўтказилган пара велоспорт бўйича жаҳон чемпионатида муваффақиятли катнашиб, Осиё жамоалари орасидаги энг яхши натижани қайд этдик.



Парламент дипломатияси

БАРҚАРОР ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ МАСАЛАЛАРИ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги парламент делегацияси Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Парламентлараро Ассамблеясининг 59-ялпи мажлисида иштирок этди.

Ялпи мажлисда минтақавий парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш, қўнунчилик тизимини такомиллаштириш ҳамда барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, мажлис давомида парламентлараро тажриба алмашинуви, модель қонунлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсати, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, миграция, худудий хавфсизлик, экология ҳамда ижтимоий-иқтисодий барқарорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Сенат Раиси анжумандаги ўз нутқида Ёшлар парламенти, одам савдосига қарши кураш ва жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш бўйича ташаббусларни илгари сурди.

Шунингдек, худудий хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда тарихий хотирани

сақлаш, ёш авлодда миллий ва умумбашарий кадриятларни шакллантиришга қаратилган инсонпарварлик лойиҳалари, жумладан, “Боалар ҳамдўстлиги” ва “Хотира поезди” ташаббуслари ўртага ташланди.

МДҲ мамлакатлари делегациялари Ўзбекистоннинг фаол ҳамкорлиги ҳамда минтақавий лойиҳалардаги масъулиятли позициясини алоҳида таъкидлаб, инсонпарварлик ташаббуслари, ёшлар ва тарихий хотирани сақлаш йўналишидаги иштирокини юқори баҳолади.

Мазкур мажлисда парламентлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, минтақавий барқарорликни қулайтириш ва қўнунчиликни такомиллаштириш бўйича келгусидаги режаларга асос солувчи қарорлар қабул қилинди.

Олий Мажлиси Сенати
Ахборот хизмати.

Сиёсий партиялар фракцияларида

Ҳуқуқий нормаларда инсон манфаатлари устувор

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси Қўнунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилган қатор қўнун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувининг минтақавий ривожидеги аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Депутатлар Озарбайжоннинг Маслаҳат учрашувлари форматида тўла ҳуқуқли аззо сифатида қўшилганини эътироф этиб, ушбу стратегик қадам Маслаҳат учрашувларига кучли шиддат беришига, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар

ҳамкорликни кенгайтиришга, барқарор тараққиёт масалалари бўйича ҳамжихатликда қарорлар ишлаб чиқиш учун янги имкониятлар очишга ишонч билдирди.

Шундан сўнг депутатлар фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган қўнун лойиҳасини муҳокама қилди.

Мазкур қўнун лойиҳаси суд ишларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш ва иқтисодий фаолиятнинг самарадорлигини оширишга қаратилган.



МИНТАҚАВИЙ ЖИПСЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Марказий Осиё давлатлари бир-бирига бой маданий мероси, умумий иқтисодий мақсадлари билан боғланган бўлиб, у сўнгги саккиз йил мобайнида ўзининг янги, юксалиш босқичига қадам қўйди. Минтақа мамлакатлари ўртасида ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва самимий хўрматга асосланган ҳақиқий бирдамлик муҳити шаклланди.

Президентимиз раислигида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви ўзаро ишонч, иқтисодий ва маънавий-маърифий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, экологик барқарорлик ҳамда минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг янги босқичи сифатида тарихий аҳамият касб этади. Бу учрашувда қабул қилинган қарорлар, илгари сурилган ташаббуслар ва белгилаб олинган вазифалар бизнинг умумий келажакни қандай кўзлаётганимизга жуда ёрқин мисол бўла олади. Мазкур тарихий анжуман нафақат минта-

қанинг, балки кенгрок маънода Евроосиё геосиёсий маконининг ҳам янги стратегик босқичга қадам қўйганини намоён этди. Унда Марказий Осиё давлатлари ўртасида маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистондаги Ислоом цивилизацияси маркази ёшлар, уларнинг илмий ва маънавий маърифати учун жозибадор масканга айланиши алоҳида эътироф этилди. Илмий билимлар ва гоёлар яратиш, тадқиқотлар олиб бориш, умумий маданий-тарихий меросимизни оммалаштириш учун ноёб платформа са-

налган ушбу марказ қардош мамлакатлар ёшларининг ҳам илмий ва маънавий юксалиши учун хизмат қиладиган масканга айланишига умид билдирилди. Минтақамиз минг йиллар давомида буюк гоёлар яратиладиган, халқларни маданий ва маънавий жиҳатдан ўзаро бойитадиган марказлардан бири бўлиб келган. Анжуман арафасида Тошкентда ўтказилган маънавий мерос ва маърифатпарварлик гоёларига бағишланган биринчи Халқаро конгресс миллатлараро дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши алоҳида эътироф этилиб, бундай учрашувларни мунтазам равишда ҳар йили раислик қилувчи мамлакатда ўтказиб боришга келишиб олинди. Иштирокчилар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг минтақа-

миз таниқли олим ва мутафаккирларининг глобал маърифатпарварлик ривожига қўшган ҳиссасига бағишланган Махсус резолюциясини қабул қилиш борасида Ўзбекистоннинг ташаббусини қўллаб-қувватлашларини билдирди. Мазкур тарихий саммит нафақат иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиради, балки аҳолининг турмуш даражасини ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш, инновациялар ва рақамли технологиялар соҳасида тажриба алмашиш, биргаликда лойиҳаларни амалга оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Негаки, унда имзоланган ҳужжатлар ва илгари сурилаётган ташаббусларда барқарор, хавфсиз ва фаровон Марказий Осиёни барпо этишдек умумий мақсад мужжасам.

Марям НИЯЗОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЭЛЕКТРОН САВДО ИСТИҚБОЛИ

Яширининг хожати йўқ, сўнгги ўттиз йилликда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги халқаро муносабатлар барқарор ва очик мулоқот асосида кечмади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида чегаравий масалалар, сув ресурсларидан фойдаланиш, транспорт ва иқтисодий манфаатлар тўқнашуви каби муаммолар натижасида қўшни давлатлар орасида маълум даражада ёпиқлик, узилиш ҳолати кузатилди. Бу эса минтақанинг иқтисодий-иқтисодий салоҳияти тўлиқ рўёбга чиқишини чеклаб, узоқ йиллик интеграция жараёнлари суръатини пасайтирди.

Бугунги кунда эса вазият тамомилла ижобий тус олган. Марказий Осиё геосиёсий барқарорлик, иқтисодий ривожланиш ва минтақавий интеграция нуктаи назаридан янги тарихий босқичга қадам қўймоқда. Бу янги даврнинг амалий белгиси сифатида жорий йилнинг 15-16 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувини келтириш мумкин. Саммит доирасида давлат раҳбарлари минтақавий ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, стратегик алоқаларни мустаҳкамлаш ва барқарорликни таъминлаш масалаларини атрофлича муҳокама қилди.

Хусусан, хавфсизлик, транспорт ва энергетика инфратузилмаси, сув ресурсларини самарали бошқариш, электрон савдо ва инвестиция соҳаларида интеграция жараёнларини чуқурлаштириш муҳим йўналиш сифатида белгилаб олинди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янги сифат босқичига кўтаришда электрон савдо салоҳиятидан кенг фойдаланиш муҳимлигини таъкидлаб, турли ҳисоб-китобларга кўра, Марказий Осиё электрон савдо бозори яқин ўн йилликда 150 миллиард долларгача ўсиши мумкинлигини маълум қилди. Бу рақамлар минтақавий иқтисодий интеграция ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда катта истикбол борлигини кўрсатади.

Шу муносабат билан мавжуд ёндашувларни уйғунлаштириш, виртуал савдо майдончалари ва ишончли рақамли тўлов тизимларини яратиш орқали электрон тижоратни ривожлантириш бўйича қўшма чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш тақлиф этилди. Айтиш керакки, ушбу ташаббус минтақавий интеграцияни амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш ва янги бизнес имкониятларини яратишга хизмат қилади. Умуман, электрон савдо ва рақамли интеграцияда жохон тажрибасига назар ташласак, бу

Робохон МАҲМУДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси раҳбари.

ТОЙЛОҚДА АСАЛАРИЧИЛИК ФЕСТИВАЛИ

Тойлоқ туманида азалдан деҳқончилик ва боғдорчилик аҳоли турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлиб келган. Кейинги йилларда асаларичилик тармоғи ҳам ривож топиб бормоқда. Шу ўринда нафақат республикамиз ички бозорларида, балки хорижий мамлакатларда ҳам харидорларга “Тойлоқ асали” номи танилиб ултургани эътиборга молик.

Ибрат

Илк бор ташкил этилган “Тойлоқ асаларичилик фестивали — 2025” доирасида етти хазинанинг бири — асал-аричилик соҳасининг салоҳияти, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг тажрибаси ва асал маҳсулотининг хилмаҳиллиги кенг жамоатчиликка намойиш қилинди. Илмобод маҳалласидаги “Дарғом” ўрмон хўжалиги ҳудудида ўтказилган фестивалда экутуризм йўналишида Тойлоқ тумани имкониятлари, табиий асал, прополис ва бошқа маҳсулотларнинг тайёрланиш жараёни, сифат кўрсаткичлари ҳамда фойдали хусусиятлари ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этилди. Асаларичилик соҳасида қўп йиллардан буюн фаолият юритиб келаётган “Орзу Олим Дилмурод асаллари” фермер хўжалигида 500 қутида асалари оиласи жамланган бўлиб, бир мавсумда 10 тонна-

дан ортиқ асал етиштирилади. Тадбирда шу хўжалик раҳбари Орифжон Илёсовга Интеллектуал мулк департаментидан рўйхатдан ўтказилган “Ориф бобо асаллари” товар белгиси ҳамда эсдалик совғаси тантанали топширилди. — Халқимиз дастурхонига тоза, сифатли ва сервитамин асал етказиб бериш билан бирга янги асалари оилаларини кўпайтиришни мақсад қилганимиз, — дейди “Дўстлик” ордени соҳиби Орифжон Илёсов. — Бугунги кунда фермер хўжалигимизда 10 нафардан зиёд ёшлар иш билан ташминланган. Наслчилик лабораториясини ҳам ташкил этияпмиз. Маҳсулотимиз юртимизнинг барча ҳудудига етказиб берилади. Қолаверса, тизимдаги қатор танловларда ғолибликни қўлга киритиб келяпмиз. Бугун меҳнатимиз муносиб тақдирланаётганидан хурсандимиз.



Туманда якка тартибда ўз хонадонларида асалари парваришлаётган деҳқон хўжаликлари сафи ҳам кенгайиб борапти. — Асаларичилик меҳнати оғир, ўзига яраша қўйинчилиги бор, аммо даромади зўр, — дейди “Шокиров Элёр” деҳқон хўжалиги раҳбари Элёр Шокиров. — Асал етиштириш яхшигина қўшимча даромад оляпти. Чунки ўзимиздан оргганини сотяпмизда. Асал — минг дардга даво бўлган табиатнинг энг нодир неъматларидан бири. Унинг соғлиқ учун фойда-

ли экани амалиётда аллақачон исботланган. Имунитетни кўтариб, организмни тозалашнинг ўзиёқ инсон учун кифоя. Фестиваль давомида семинар ташкил этилиб, унда тажрибали асаларичилар ҳамда мутахассислар томонидан соҳанинг бугунги ҳолати, истиқболлари ва инновацион ёндашулар муҳокама қилинди. Ҳудуднинг экологик туризмни ривожлантириш борасидаги имкониятларига бағишланган тақдимот ҳам иштирокчилар-

да катта таассурот қолдирди. Фестиваль орқали асаларичиликни тарғиб қилиш, тажриба алмашиш билан бирга сўлим “Дарғом” ўрмон хўжалиги ҳудудини дам олиш масканига айлантириш, хорижлик ва маҳаллий сайёҳларни жалб этиш режалаштирилган. Шунингдек, махсус “Асаларилар йўли” деб номланган экологик туризм йўналишини ташкил қилиш кўзда тутилмоқда. Фестиваль доирасида асал кўргазмаси ва дегустацияси, болалар учун “Мен асал расмини чизаман” мусобақаси, хунармандлар ярмаркаси, концерт, дорбоз ва бошқа кўнгилочар дастурлар уюштирилди. Юртимизнинг турли ҳудудларидан келган энг фаол асаларичиларга, “Энг обод маҳалла” ва “Энг обод ташкилот” танловлари ғолиблирига эсдалик совғалар топширилди. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, ўша кун “Яшил макон” умум-миллий лойиҳаси доирасида кўчатлар кўргазмаси ҳам ташкил қилинган, туман ҳудудида ёшлар боғини яратишга киришилди.

Абдулозиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

МУЗАФФАРЛИК ВА УЛУҒВОРЛИК РАМЗИ

Мусобақанинг энг ҳаяжонли ва унутилмас дақиқалари, албатта, тақдирланиш жараёнида юз берди. Жаҳон аренасида аввалига давлатимиз мадҳияси янгради, сўнгра байроғимиз юксак кўтарилди. Ҳаёлимдан “Ахир мен сабаб Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилмоқда!” деган ўй кечар экан, беҳитиёр кўзларим ёшланди, юрагим ҳаприқиб кетди. Ахир она Ватанини сидқиқилдан яхши кўрадиган бир фарзандга шундан ортиқ бахт бўлиши мумкинми?!



Албатта, бундан кейинги режаларимиз ҳам янада улкан ва ишонамизки, улар эришажак ютуқларимиз сабабчиси бўлади. Айни кунларда 2026 йилги ёзги Параосиё ўйинлари ва олдиндаги тўрт йилликнинг энг муҳим мусобақаси — Лос-Анжелесда ўтказиладиган 2028 йилги ёзги Паралимпия ўйинларида муносиб иштирок этиш учун тайёргарлик кўряпмиз. Ушбу беллашувларда қатнашишдан бош мақсадимиз эса сўнмас ишончимиз ифодаси бўлган жонажон байроғимизни юксакларда ҳилпиратиш ва она юртимиз номини дунёга янада танитишдан иборат.

Маржона ПАРДАБОВА,
Пара велоспорт бўйича жаҳон чемпионати кумуш медали соҳибаси.

Анжуман

Ўзини тез оқлайдиган сармоя

Сайёраимизнинг учдан икки қисми сув билан қопланган бўлса-да, унинг жуда катта қисми шўрлиги боис ишлатишга яроқсиз. Чунки сув ҳажми шу қадар камки, йилдан-йилга аҳоли кўпайиши, озик-овқатга талабнинг кучайиши сабабли суғоришда ҳам, истеъмолда ҳам унинг қадри ошиб борапти.

Ана шу сабабли обиҳаётдан юқори даражада тежамкорлик билан фойдаланишга ўтиш, инновация ҳамда замонавий ёндашулар, қонуңчиликни такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш ўта муҳим. Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари, таниқли олимлар, соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилган халқаро анжуманда шу ҳақда сўз борди.

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон барча соҳада, хусусан, сув масаласига алоқадор янги ташаббусларни илгари сурмоқда, — дейди Осиё тараққиёт банки лойиҳаларни бошқариш бўлими раҳбари Жануар Лауде. — Биз бу соҳага беҳиз сармоя киритаётганимиз йўқ. Чунки суғориш тизимининг такомиллашуви, мазкур йўналишга эътибор жуда тез фурсатда ўзини оқлайди. Айниқса, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ўртасида яқдқиллини таъминлашга интилаётгани ва бу борада ижобий натижаларга эришилаётгани чет эллик инвесторлар учун мамлакат жозибадорлигини оширмоқда.

Конференцияда иштирокчиларнинг эътибори Ўзбекистон Республикасининг янги Сув кодексига қаратилди. Мазкур ҳужжат барқарор сувдан фойдаланиш, соҳани тартибга солишни шаффофлаштириш ва сув экоти-зимларини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий асос кафолатидир. Халқаро экспертлар таъкидлаганидек, Марказий Осиё давлатлари сув хўжалиги вазирлари ва халқаро ташкилотлар вакилларининг мазкур анжуманда қатнашиши минтақавий ҳамкорликнинг яна бир намунаси бўлди ва бу умумий сув муаммоларини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Анжуманда сувни тежаш бўйича инновацион технологияларни жорий этиш, айниқса, Оролбўйи ҳудудидagi аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи дастурлар қамровини кенгайтириш бўйича қўшма ташаббуслар муҳокама қилинди. Шунингдек, но-тиқлар сув тармоғини молилаштириш ва ирригация инфратузилмасини, сув таъми-ни ва санитар ҳолатни модернизациялаш учун янада кўпроқ инвестиция жалб этиш лозимлигини таъкидлади.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Хозирги кунда совуқ тушиши билан грип, тумов, шамоллаш каби касалликлар авж олмоқда. Бундай ҳолатда беморлар дарров дорихонадан синтетик дориларни излашга шошилмай, табиий воситалар ёрдамида самарали даволаниши мумкин. Жумладан, беҳи меваси таркиби витаминлар, минераллар, шамоллаш ва вирусли касалликларга қарши курашувчи табиий бирикмаларга бой бўлиб, ундан нафақат катталар, айниқса, хомиладор аёллар ва ёш болалардаги шамоллашда самарали фойдаланиш тавсия этилади.

Саломатлик



Улуғ ҳаким Абу Али ибн Сино беморга шундай деган экан: “Биз уч кишимиз: сен, мен ва дард. Агар иккаламиз бирлашсаккина, дардни енгишга қодир бўламиз”. Буюк аждодимиз ушбу ҳикмати орқали беморнинг, аввало, ўзи тузалишга интилиши лозимлигини ўқтиради. “Тиб қонунлари”да Ибн Сино томонидан ишлаб чиқилган мижоз концепциясида инсон мижози озик-овқат мижози билан мос келиши лозимлиги келтирилган. Акс ҳолда, турли касалликлар ривожланиши мумкин. Шунинг учун шифокорнинг қатъий назоратига амал қилган бемор кун тартиби ва парҳеъга доир тавсияларга аниқ риоя этса, ўзининг шу муолажалар орқали тузалишига ишонса, албатта, шифо топади.

“Тиб қонунлари” асарида мин-тақамизда ўсадиган кўплаб шифобахш гиёҳларнинг номилари тилга олинган. Бугун ана шу гиёҳларнинг 80 — 85 фоизининг номини табобат илми билимдонлари яхши билади ва ундан самарали фойдаланади. Лекин кўп ўсимлик ва гиёҳлар илмий номи билан аталганлиги сабабли инсонлар улардан оқилона фойдаланишда қийинчиликларга дуч келишади. Улар ёрдамида даволаниш, очигини айтиш керак, дорихонадан фалон пулга олинган дориларга нисбатан арзонроқ ва кўп ҳолларда хавфсизроқ бўлади. Масалан, йўтал ва шамоллашда тайёрланган турли ўсимликларнинг дамламалари беморга жуда яхши таъсир кўрсатади. Биргина бош оғриғини оладиган бўлсак, уларни даволашда ишлатиладиган 200 дан ортиқ турдаги таблеткалар бор. Аслида буни оддий андиз ёки арпабодини билан даволаш кутилган самарани беради. Энди қаранг, юқорида айтилган таблеткалар таркибиде оғриқ

қолдирувчи ёки иситма туширувчи моддалар билан бирга, бир қанча зарарли кимёвий бирикмалар бор. Шифокор грипга учраган беморга бир антибиотик таъсир қилмаса, бошқасини беради, агар у ҳам наф бермаса, яна бошқасини тавсия этади. Бу эса, ўз-ўзидан, беморнинг бошқа органларига ножўя таъсир кўрсатади.

Шу боис кўплаб касалликларни, айниқса, шамоллаш, тумов ва гриппни табиий малҳамлар, доривор гиёҳлар воситасида даволаш мақсадга мувофиқ. Аслини олганда, бирорта ўсимлик йўқки, унинг дориворлик хусусияти бўлмаса. Таъкидлаганимиздек, фақат буни ҳамма ҳам билавермайди. Ўсимликнинг дориворлигини белгилайдиган нарса уларнинг таркибидеги биологик фаол моддалардир. Бу моддалар ҳар бир ўсимликда у ёки бу сифатда, кўринишда ва миқдорда бўлади. Мана, оддийгина исирикни олинг. Бу доривор гиёҳ юртимизнинг кир-адирларида, тоғларнинг қуйи қисмларида, қумлоқ, тошлоқ ва тупроқли жойларда ёввойи ўт сифатида ўсади. У кўп йиллик бўлиб, бўйи 20 — 60 см.гача бўлади. Халқ тилида “минг бир дардга даво” деб ном олган гиёҳни Ибн Сино бобо-

“Доривор гиёҳлардан малҳам сифатида фойдаланишда табиблар томонидан тавсия этилган аниқ кўрсатмаларга, албатта, амал қилиш керак. Бунда меъёрлар, тартиблар бузилса, даволанишда қутулган самарани олиш қийин.”

миз қўймич нервлари шамоллашда, тизза ва суюқлар қакшаб оғриганида оғриқ қолдирувчи дори сифатида тавсия этган.

Бироқ доривор гиёҳлардан малҳам сифатида фойдаланишда табиблар томонидан тавсия этилган аниқ кўрсатмаларга, албатта, амал қилиш керак. Бунда меъёрлар, тартиблар бузилса, даволанишда кутилган самарани олиш қийин. Жараёнда малҳамнинг миқдори, истеъмол вақти, ҳолати, сифати, қўйинки, ҳар бир хижатига жиддий эътибор қаратилиши шарт.

Шамоллаш, йўтал ва вирусли касалликларни даволашда фойдаланиш мумкин бўлган аниқ малҳам-



ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

лар ҳақида гапирадиган бўлсак, қуйидагиларни тавсия қиламиз.

Биринчи навбатда, юқорида айтиб ўтганимиздек, беҳидан малҳам тайёрлаймиз. Бунинг учун ушбу меванинг бутунлигича ичи тозаланиб, унга бир чой қошиқ асал ва шунча миқдорда сариеғ солинади. Намланган дока билан ўралиб, кейин кўрда пиширилади. Ундан ҳар куни 2-3 мартадан истеъмол қилинса, шамоллаш, грип каби касалликлар билан оғриган беморлар тезда шифо толади.

Иккинчи усул: отқулоқ ўсимлигидан бир ош қошиғи чойнакка солиниб, устига бир стакан қайноқ сув қўйиб, бир оз дамлаб қўйилади. Кейин сүзиб олиниб, кунига 3-4 маҳал ичилади.

Яна бир йўли: қуштарон (қизил-

йўллари шиллиқ қаватининг қичи-шишидан ёки безовталаниши ва зўриқишидан ҳам юзага келади. Нафас йўллари касалликлари ичида энг кўп учрайдигани шамоллаш оқибатида юзага келадиган йўталдир.

Беморларда йўтал куруқ ва нам ҳолатда кузатилади. Ўткир респираторли вирусли инфекциянинг бошланғич босқичида куруқ йўтал кузатилса, сўнгра у балғамнинг хусусиятлари ўзгариб боришига кўра нам йўталга айланади. Ўткир ва сурункали бронхит, зотилжам, бронхиял астма ва сил касалликларида нам йўтал безовта қилади.

Йўтал бир қарашда аниқ бўлмаган сабаблар туфайли келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳам унинг сабабини аниқлаш зарур. Бу касаллиқни ташхислашга ёрдам беради ва самарали даволаш усулини белгилашда асқатади. Йўтални даволашда фақат унинг келиб чиқиш сабаби эмас, балки куруқ ёки намлиги ҳам инобатга олинади. Йўтални даволашда замонавий тиббиёт кўрсатмалари билан бир қаторда халқ табobati усулларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, бир дона олма майда тўғраб, чойнакка солинади ва устига бир стакан қайноқ сув қўйилади. 1-2 соат дамлаб қўйилади. Овқатдан сўнг кунига 3-4 маҳал бир стакандан ичилади.

Халқимиз “Табиатнинг ўзи табиб”, деб бежиз айтмаган. Бугун замонавий тиббиётда қўлланилаётган синтетик дорилар, антибиотиклар, биз истеъмол қилишга ўрганиб қолган қўшимча моддалар, гени ўзгартирилган озуқалар, озик-овқат саноатининг тайёр маҳсулотлари инсон ҳимоя тизимини мувозанатдан чиқаради. Бунга ҳамма билишини истардим. Шунинг учун бугун ўзимиз ва келажак авлодларимизнинг соғлиғини ўйлабдиҳан бўлсак, уларни турли касалликлардан муҳофаза этишни истасак, бунақа дорилар ва моддалардан воз кечишимиз лозим. Бунинг ўрнига она табиат маҳсулотларини истеъмол қилсак, бирор жойимиз оғриганида табиий неъматлардан фойдаланиб даволансак, ўзимиз ҳам, наслимиз ҳам дарддан фориғ бўлиб, соғлом ҳаёт кечирамиз.

Иброҳимжон АСҚАРОВ,
Ўзбекистон тиббий-илмий фаолият билан шуғулланувчилар
«Табобат» академияси раиси, кимё фанлари доктори, профессор.

РЕКЛАМА

қарши курашиш механизмлари халқаро талаблар асосида янада такомиллаштирилмоқда. Ходимлар ўртасида ҳалоллик, масъулият ва хизмат маданиятини ошириш, аҳолига сифатли, тезкор ва шафқоф хизматлар кўрсатиш орқали банк тизимининг ишончлилиги ва самарадорлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда.

“Агробанк” АТБ томонидан коррупцияга қарши курашиш тизимини халқаро стандартларга мувофиқ равишда йўлга қўйиш, ҳалоллик ва шафқофлик тамойилларини амалиётга татбиқ этиш борасида олиб борилаётган ишлар банкнинг барқарор ривожланишига, мижозлар ишончини янада мустаҳкамлашга ва халқаро майдонда ишончли хамкор сифатида эътироф этилишига хизмат қилимоқда.

Келгусида ҳам банк жамоаси коррупцияга хавф-хатарларни қамайтириш, очиклиқни таъминлаш, хизматлар сифатини ошириш ҳамда ҳалоллик маданиятини янада ривожлантириш йўлида тизимли фаолиятни давом эттиради.

«Агробанк» АТБ
Комплекс назорат
департаменти.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МОС ТИЗИМИ САРИ

Коррупция тараққиёт кушандаси экани барчамизга маълум. У келтириб чиқарадиган салбий оқибатлардан нафақат бирон ташкилот ёки жамоа, балки бутун бошли жамият азият чекиши, унинг ривожланиши ортга сурилиши мумкин.

Шу боис ҳам сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда ва бу ислохотлар банк тизими фаолиятида ҳам ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Молия муассасаларида

“Агробанк” акциядорлик тижорат банки томонидан ҳам халқаро стандартларга мос, очик ва шафқоф бошқарув тамойилларига асосланган коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш йўлида тизимли ва натижадор ишлар олиб боришмоқда.

Банк фаолиятида коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш, ҳалоллик, масъулият ва ҳолислик тамойилларини мустаҳкамлаш мақсадида коррупция-

га қарши курашишнинг халқаро стандартлари босқичма-босқич жорий қилинмоқда. Коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмаси томонидан халқаро тажрибалар ўрганилиб, илгор амалиётлар асосида ички назорат тизими мустаҳкамланмоқда. Жумладан, банкда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки ва ФАТФ тавсияларига мувофиқ, хавф-хатарларни баҳолаш, ички назоратни ку-чайтириш ҳамда ҳалоллик маданиятини ривожланти-

ришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Коррупцияга қарши курашишда халқаро амалиётни ўрганиш ва малакали кадрлар тайёрлаш муҳим омил ҳисобланади. Шу мақсадда ходимлар малакасини ошириш ва халқаро тажриба алмашиш бўйича доимий ўқув дастурлари йўлга қўйилган. Банкнинг комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги мутахассислари Чехия ва Буюк Британия давлатларида ташкил этилган ўқув курсларида қатнашиб, илгор халқаро ёндашувларни амалиётга татбиқ қилимоқда.

Банкда халқаро стандартлар асосида коррупцияга қарши курашиш тизими жорий этилиши юқори босқичга олиб чиқилди. Хусусан, ISO 37001:2016 — “Anti-Bribery Management System” халқаро стандарти талаблари бўйича “Cert International” ташкилоти иш-тирокида ташқи аудит ўтказилди. Натижада банкнинг

Бош офиси ва Тошкент шаҳар филиали мазкур стандарт талабларига тўлиқ мос деб топилди ҳамда сертификат билан тасдиқланди. Бу “Агробанк” учун нафақат ички бошқарувни такомиллаштириш, балки халқаро миқёсда ишончли ва ҳалол молия институти сифатида эътироф этилиш имконини яратди.

Очиқлик ва шафқофлик — коррупцияга қарши курашишнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида банк фаолиятида устувор йўналиш этиб белгиланган. Банкнинг расмий веб-сайтида очик маълумотлар бўлими йўлга қўйилиб, унда банк фаолияти, молиявий кўрсаткичлар, комплаенс тизими ва коррупцияга қарши дастурлар мунтазам эълон қилиб боришмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан халқаро мезонлар асосида ишлаб чиқилган “Очиқлик индекси” натижаларига кўра, “Агробанк” АТБ 78,7 балл

билан “яшил” тоифада баҳоланиб, мамлакат тижорат банклари ўртасида 3-ўрини эгаллагани банкнинг очиклигини таъминлаш йўлида олиб борган сазй-ҳаракатлари натижасини ифода этди. Бу натижа банк фаолиятининг очиклик, шафқофлик ва ҳисобдорлик тамойилларига асосланган ҳолда ривожланаётганини яна бир бор тасдиқлайди. Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият самарадорлигини баҳолаш мақсадида БМТ Тараққиёт дастури, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Корея Республикаси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган “e-apfcor.uz” электрон тизими орқали банк фаолияти баҳоланди. Мазкур рейтинг натижаларига кўра, “Агробанк”нинг коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлиги 83 балл билан “яхши” тоифасида қайд этилди.

Бугунги кунда “Агробанк” тизимида коррупцияга



КАМОНЧИЛАРИМИЗ ИЛК БОР ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ШОҲСУПАСИДА

Бангладешда камондан отиш бўйича Осиё чемпионати ўтказилди. Аҳамиятлиси, унда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари илк бор қитъа биринчилигида совриндор бўлишди.



Микст дастурида “Париж — 2024” Олимпиадаси иштирокчилари — Амирхон Содиков ҳамда Зиёдаҳон Абдусатторов ва жуфтлиги финалгача етиб бориб, қумуш медалга сазовор бўлди.

Шунингдек, йигитларимиз жамоавий беллашувда Қозоғистондан устун келиб, бронза медалларга эга чиқди.

ОЗОДА СОБИРЖОНОВА — ИСЛОМ БИРДАМЛИГИ ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБИ

“Ар-Риёд — 2025” Ислом бирдамлиги ўйинлари беллашувларида ҳамюртларимиз таэквондо ИТ баҳсларида муваффақиятли қатнашди.

Хусусан, спортчимиз Озода Собиржонова Ўзбекистон делегациясига олтин медални тақдим қилди. -70 кг. вазн тоифасида бахс олиб борган таэквондочимиз финалда эронлик рақибидан устун келиб, мусобақа ғолибга айланди.

Шунингдек, кеча старт берилган баҳсларда спортчиларимиз енгил атлетика, пара енгил атлетика, қиличбозлик ҳамда таэквондо бўйича беллашувларда иштирок этди.



КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Андижон Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази мезбонлик қилган ўсимлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионати ўз якунига етди.



Мамлакат биринчилигининг сўнгги куни оғир вазн тоифасида беллашувлар ташкил этилди. Ўсимлар -90, +90, қизлар эса -70, +70 кг. вазн тоифаларида татамига чиқди. Туртта вазнда — иккитасида хоразмлик дзюдочилар, қолган иккитасида Бухоро вилояти ҳамда Тошкент шаҳри вакиллари чемпионлик шохсупасига кўтарилди.

Уч кунлик беллашувлар якунига кўра, Хоразм вилояти дзюдочилари медаллар жағмариш бўйича умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни банд этди. Улар 5 та олтин, 5 та қумуш, 7 та бронза медалини қўлга киритди.

Тошкент шаҳри жамоаси 2 та олтин, 2 та қумуш, 4 та бронза медали билан иккинчи ўринни банд этган бўлса, 2 та олтин, 1 та қумуш, 3 та бронза медалига эга Тошкент вилояти дзюдочилари кучли уличкага яқун ясаб берди.

«Халқ сўзи».

2026 йил 1 январдан ЯТТларга фирма номига эга бўлишга рухсат берилади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 10 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезитамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезитанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Гезита тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Гезитанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.20 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6